

# ХАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 5-ДС

«31» 01 2022 йил

Фарғона и.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** номидан бошқарма Устави асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи О.Назиров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритилувчи **Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона директори У.Акбаров аниқ манзил ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 29 км узунликдаги умумфойдаланувдаги давлат ахамиятидаги автомобил йўлларини саклаш ишларини амалга ошириш бўйича пудрат щартномасини туздик.

## I. Умумий бўлим.

Пудратчининг мазкур шартнома шартлари асосида автомобил йўлларини саклаш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатадиган давлат ахамиятидаги автомобил йўллари – 29 км.

## II. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

2.1 «Буюртмачи» **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** пудратчи Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига 29 км давлат ахамиятидаги умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва улардаги иншоотлар йўл жихозлари ва унинг барча молмукини Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллари тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига асосан саклаш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш хамда йўл хизмати кўрсатиш учун топширади. «Пудратчи» эса корхона Уставида унга берилган ваколатлар доирасида мазкур шартнома мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади ва йўл хизматининг Автомобиль йўллари Кўмитаси олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига қатъий риоя қиласи.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ.

3.1 Шартнома баҳоси «Корхона» нинг 2022 йил тасдиқланган йўл ишлари чекланган харажатлар сметаси ва лойихавий смета хужжатларида кўрсатилган 98 828 700 сўм (Тўқсон саккиз миллион саккиз юз йигирма саккиз минг етти юз сўм) хажмини ташкил этади.

3.2 Мазкур шартноманинг амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Пудратчи автомобил йўлларида фойдаланишининг барча тармоғида ва сунъий иншоотларида (тоннелларда) транспорт воситаларини хавф-хатарсиз харакатланиши узлуксизлигини таъминлаш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини саклаш хизматини доимий равишда узлуксиз иш хафтаси асосида ташкил этиш, хар кунги қатновни, йилнинг хар қандай фаслида транспорт воситалари харакат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш;

Автомобил йўлларининг барча кисмида қатнов ҳолатини доимий саклаш учун комплекс ишларини тез ва сифатли бажариш.

Табиий оғат, авария ва бошқа фавқулотда холлар юз берганда йўллардаги транспорт харакати вақтинча тўхтаганда, тезда уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

Бириктирилган автомобил йўллар тармоғи ва ундаги сунъий иншоотларда (тоннел) доимий равишда назорат олиб бориш, йўл тармоғи тўғрисидаги йигиладиган барча маълумотлар захирасини яратиш;

Бириктирилган автомобил йўлларида кундалик кўрикни ташкил этиш, кўрик журналларида аниқланган нуқсонларни ёзиб бориш ва доимий равишда харакат қатнови жадаллигини хисоблаб бориш;

Йўлларни саклаш ишларини эстетик ва экологик меъёrlарга қатъий амал килган холда бажариш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқбол концепциясини ишлаб чиқиш;

Автомобил йўлларини саклаш ва таъмирлашда маблағ воситаларини ишлатилишини доимий таҳлилини амалга ошириб бориш;

4.2 Пудратчи автомобил йўлларида тасдиқланган смета хужжатлари асосида саклаш ишларини сифатли килиб бажариб, «Буюртмачига»га белгиланган тартибда тегишли хужжатлар асосида топширади;

4.3 Бириктирилган автомобил йўлларида бажарилган саклаш ишларига лойиха смета хужжатларига асосан йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланишига жавобгардир.

4.4 Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузишни «Буюртмачи» нинг ёзма равишда рухсати билан амалга оширади.

4.5 Сақлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф мухитни, йўл минтакасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

4.6 Ўзига бириктирилган умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида ва ундан сунъий иншоотларда унинг айби билан бажарилиши лозим бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиқкан оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **V. БУЮРТМА ЧИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .**

5.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар бажарилиши устидан қурилиш меъёрлари ва коидалари асосида доимий назоратни, мазкур шартномада кайд этилган “Пудратчи” томонидан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини сақлаш бўйича мажбуриятларни назорат қилиш ва пудратчидан бажарилган ишларни белгиланган муддатда қабул килишни таъминлаш;

5.2 «Пудратчи» нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.3 Тасдиқланган смета харажатларига биноан «Пудратчи»га Молия вазирлиги маблағ ажратгандан сўнг аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4 Сақлаш ишларини сифатли бажарилишини ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш учун ўз вакилини яъни техник назоратчисини белгиланган ишларни қабул қилиш муддатларида қатнашишини таъминлаш;

5.5 Автомобил йўлларини тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига асосан сақлаш ишларига ўналтирилган маблағларни сарфланишини қатъий назорат қилиш.

## **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР .**

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича Вазирлар Мажкамасининг 2020 йил 5 май кунги 123-сонли қарорининг 33 бўлими бандига асосан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини сақлаш ишларини молиялаштириш режалаштирилган ойлик хажмнинг 40 фоиз микдорида аванс маблағи билан (Молия вазирлиги томонидан аванс маблағи ажратилгандан сўнг Республика газначилиги орқали хар ойнинг 15-кунига қадар) таъминлайди.

6.2 Жорий молиялаштириш, бажарилган ишлар сифати текширилгандан сўнг, берилган авансни хисобга олган ҳолда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларида мувофик бажарилган ишларнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 60 % гача доирасида амалга оширилади. Бунда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қилиш “Буюртмачи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6.3 “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Пудратчи” бу хақида конун хужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишларни тегишли тартибда расмийлаштирган бўлса, бажарилган иш учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Буюртмачи” бу хақида конун хужжатларида белгиланган тартибда “Пудратчи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда бажарилган иш учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5 Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айборд томонга Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни 25-32 моддаларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилади.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ .**

7.1 “Буюртмачи” сақлаш ишларини сифатли қилиб бажарилиши ва бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини – техник назоратчини буйруқ асосида тайинлайди, у “Буюртмачи” номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартига ва меъёрий хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш хукукига эгадир.

7.3 “Пудратчи” техник назоратчини бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун иш жойига бориши ва келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобил йўллари холати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни хал қилиш учун техник кенгашга таклиф киритади, йиғинларда мунтазам қатнашади.

7.4 “Пудратчи” мазкур шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа хамда жадвалига биноан ишларини бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 “Пудратчи” обьектда ишларни олиб бориш даврида давлат архитектура ва қурилиш назорати органлари томонидан белгиланган чоралар тўғрисида “Буюртмачи”га маълумот беради ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 “Пудратчи” алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва ёпилиб кетадиган ишлар тугалланишига қараб уларни тугалланишидан олдин “Буюртмачи” ни ёзма равищда хабардор килади.

7.7 Агар ёпилиб кетадиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ ёпилиб кетадиган ишларни исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8 Агар “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” ва унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса, у холда “Пудратчи” ўз кучлари билан таъмирлаш ишлари қийматини оширгмаган холда ушбу ишларни таъмирлаш учун келишилган муддатда сифатли қилиб қайта бажаришга мажбурдир.

7.9 Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар акс эттирилади.

7.10 Агар “Буюртмачи” ишларни бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг қайдларидан коникмаса у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

7.11 Сифатсиз бажарилган иш хажми “Пудратчи”нинг хисобидан қопланади ва аниқланган зарар “Пудратчи”дан ундирилади.

### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР).**

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса (форс-мажор) томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган кучлар ёки унинг оқибатлари бир ойдан кўп вакт чўзилса у холда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласди.

8.3 Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

### **IX. ШАРТНОМА БЕКОР КИЛИШ .**

#### **9.1 “Буюртмачи”**

А) Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги таъминланмагандан, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан;

#### **9.2 “Пудратчи”**

А) Ишларни бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан сабабсиз тўхтатиб қўйилганда;

Б) “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан.

Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг кўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда иккинчи “Корхона”га берилади . “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га шартноманинг 5.1 бандига асосан расмийлаштирилган холда тўлаш мажбуриятини олади.

### **X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ .**

10.1 Шартномани бажаришда, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал этилади, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги

конунлари ва уларга мувофик равишда қабул қилинган норматив актлар асосида хўжалик судига мурожаат қилиш йўли билан хал килинади.

## XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР .

11.1 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида олдинги ёзма битимлар, оғзаки битимлар, ёзишмалар ва томонларнинг келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2 “Пудратчи” умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва ундаги сунъий иншоотларда, йўл бўлакларида хамда алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз суб пудратчилардан ташкири бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холатлар амалдаги конун хужжатлари асосида хал килинади.

11.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

11.5 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ёки фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорларига асосан Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан молиялаштиришга ўзгартиришлар киритилганда ёки нарх наво оширилган тақдирда, шартноманинг шартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш Кўмита ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг кўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

11.6 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ» .

Риштон туман йўллардан фойдаланиш  
унитар корхонаси

Манзил: Риштон тумани

Шокирота қўчаси- 217

Тел./факс: 45-22-736

х/в: 22626000800213761009

Банк номи: ТИФ Миллий банк

Риштон бўлими

МФО: 00946

СТИР: 200181127

ИФУТ: 51123



Ў.Акбаров

Фарғона вилояти Автомобиль йўллари бош  
бошқармаси

Манзил: Фарғона шаҳар

Аэропорт қўчаси 1- уй

Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.

ш/х: 304510860304017045162118001

Ташкилотнинг СТИРи: 200153714

ОҚЭД: 84130

Фарғона вилоят газначилик бошқармаси

ЯФХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси ҲҚМ

МФО: 00014

Газначилик булинмасининг

СТИРи: 201122919

Бошқарма бошлиги:



О.Назиров

## Хукукий хуласа.

Мен, ушбу шартномани хукукий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий -хукукий базаси тугрисида»ги Конунга ва фуқоролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлигини ва низоларни хал этиши юкорида зикр этилган қонунчилик тарабларига мос келади.

Хукуқшунос

А.Солиев